



«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув йиғилиши

5 -сон БАЁНИ

2021 йил 13 декабрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари – Е.Коржиков

Қатнашдилар: Департамент, бошқарма, бўлим бошлиқлари, мутахассислар (рўйхат асосида)

КУН ТАРТИБИ :

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 13-моддаси ижросини таъминлаш тўғрисида

(Коржиков, Абдурахманова, Арипов, Коржиков)

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасини ижросини таъминлаш юзасидан йиғилиш қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноtijорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгашларини тузиш белгиланганлиги;

Маслаҳат-кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш мақсадида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилганлиги;

Шунингдек, давлат органларида маслаҳат-кенгашларини ташкил этишдан асосий мақсад – ҳар бир меҳнат жамоасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, шунингдек бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, зарур таклифларни ишлаб чиқишдан иборат эканлиги инобатга олинсин.

2. «Ўзкимёсаноат» АЖ маслаҳат–кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тармоқ корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари:

Ҳар бир корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича белгиланган иловага мувофиқ ташкил этилган маслаҳат-кенгашлари ўз иш фаолиятларини самарали ва тизимли ташкил этсин.

Ушбу маслаҳат-кенгашлари ўз иш фаолиятини Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан ишлаб чиқилган тегишли тавсиялар асосида амалга ошириши назоратга олинсин.

Ҳар чоракда ушбу маслаҳат–кенгашлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот «Ўзкимёсаноат» АЖ маслаҳат-кенгашига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарор ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув
йиғилишининг 2021 йил
“ 13 ” декабр даги
5 -сон баёнига
илова

“Ўзкимёсаноат” АЖ марказий аппаратида Гендер тенгликни
таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгаши
ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Тўхтаев Ақобир Ҳақимович	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари – Маслаҳат кенгаши раиси
2.	Абдурахманова Санобар Махаммадаминовна	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси – Маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари
3.	Алибоева Муаттар Ниматуллаевна	Йиғма ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси – Маслаҳат кенгаши масъул котиби
4.	Абдурахманова Рано Абдул-Ахатовна	Иқтисодий ва бизнесни режалаштириш департаменти бошлиғи – Кенгаш аъзоси
5.	Арипов Воҳид Валиевич	Ходимлар билан бўлими бошлиғи – Кенгаш аъзоси
6.	Ибадуллаев Тимур Анварович	Юридик бюро бошлиғи – Кенгаш аъзоси
7.	Топтун Нина Николаевна	Махсус бўлим бошлиғи – Кенгаш аъзоси
8.	Эшбеков Рустамбек Равшанович	Матбуот хизмати раҳбари – Кенгаш аъзоси
9.	Абдуллаев Ғайрат Носир ўғли	Марказий аппарат касаба уюшмаси кўмитаси раиси – Кенгаш аъзоси

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки унинг вазифаси юклатилган шахслар киритилади.